

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ МАҲСУЛИ

Анджон вилояти пахтакорларнинг давлатга пахта етиштириб бериши топиригини мамлакатда иккинчи бўлиб бажариши ва бу муваффақиятнинг Президентимиз Ислам Каримовнинг йўлаган табригида юксак баҳолашни бугун вилоят меҳнат аҳлининг қувончига-қувонч қўшибди. Анджонликлар Республикамизда ўзлари бошлаб берган илғор технология - чигитни пленка остига экиш усулининг афзалликларини яна бир бор ўз мисолларида кўрсатиб бердилар. Бу муваффақиятга Асака тумани пахтакорларнинг ҳам улкан ҳиссаси бор. Улар вилоятда биринчи, мамлакатда эса биринчилардан бўлиб илғор режани урдалашган эди. Шу муносабат билан уларга Президентимизнинг йўлаган табрик хати пахтакорлар кучига-куч бўлиб қўшилган.



Асака туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа ҳўжалигининг Олимжон Меҳмонов бошлиқ бригада жамоаси мавжуд пахта майдонидан 43 центнердан ҳўсол олишга эришдилар. Суратла: туман ҳўқими, Ўзбекистонда хўзмет кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги хўдими Тиловоли Ёқубов бригада бошлиғи Олимжон Меҳмонов билан. Тўҳражон Ҳамроқўлов олган сурат

«Навбахор» жамоа ҳўжалигидаги Қурбон Сиддиқов бошлиқ бригада азаматлари йиллик режаларини 156 фоизга, Ёқубов Маткаримов бригадаси 142 фоизга, Гулом Ёқубов жамоа ҳўжалигидаги Икром Абдулаев бошлиқ бригада заршўнослари 135 фоизга, «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа ҳўжалигидаги Абдужалил Паршиев бошлиқ бригада аъзолари 135 фоизга, «Наврўз» жамоа ҳўжалигидаги Яҳўмирза Ҳамидов бошлиқ бригада миришкорлари 131 фоизга урдалаб, пешқадамлар сафида бормоқдалар.

Республика ҳўкуматининг 1997 йилги пахта ҳўсидини ушўқўқлик билан йиғиб-терасини ривожлантириш, обод-лаштириш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш борасида туманда муҳим қадимлар қўйилмоқда. Шу йилнинг ўзида 17,5 километр узунликда газ, 6,9 километр ичимлик суви қувурлари ётқизилди. 29560 квадрат метр уй-жой қўриб фойдаланишга топширилди. 220 уринли замонавий янги мактаб уқувчиларни бағрига олди.

Асакаликлар мамлакатимизнинг галла мустақиллигига эришишига ҳам муносиб улўш қўшмоқдалар. Улар жорий йилда ҳар гектаридан 75 центнердан галла етиштириб, илгирлик шўхратини оширдилар. Бугун галлакорлар келгуси йил ҳўсиди учун барака уругини қадашмоқда. Ҳалемай 5386 гектар майдонга галла экиб булинади. Келгуси йили ҳар гектаридан 80 центнердан ҳўсол олиш режалаштирилган.

Табриқда энг аввало ерга ва деҳқон меҳнатига янгича муносабатлар тобора мустаҳкам қарор топаётгани, янгиликка, янгича яшашга интиланнинг ҳаммаша юзи ерур бўлиши алоҳида таъкидлангани бежиз эмас. Албатта, замонавий технологияни жорий этиш, агротехника қондаларига жиддий эътибор бериш, чигитни пленка остига экиш тажрибаси, эрташилар уруг навларини яратиш, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш туғайли туман пахтакорлари бир неча йилдан буен пешқадамлар сафида бўлмоқдалар.

Туман меҳнатқашлари пахтачилик ва галлачиликда узи га хос тажриба мактаби яратдилар. Жорий йил ҳўсиди учун 5425 гектар майдонга чигит экилган эди. Шундан 4752 гектарига эса чигитни пленка остига экилганлиги айниқса қўл келди. Туман меҳнатқашлари йиллик режани барақат урдаладилар. Ҳозир далаларда ҳўсил мул,

## ИҚТИСОДИЁТ ХАБАРЛАРИ

Тошлўқ туманида «ДЭУтекстайл» компаниясининг ип йигирув корхонасини фаолият курсата бошлагани унча қўп вақт бўлгани йўқ. Аммо унинг маҳсулотларига бўлган талаб Япония, Хитой, Германия қаби хорижий мамлакатларнинг тўқимачилик корхоналари томонидан тобора ортиб бораётти.

Мазкур корхона бунёд этган Жанубий Кореялик тадбиркорлар Фарғонада яна бир йигирув тўқув корхонасини бунёд этишга бел боғладилар. Улар Охунбўбоев туманида йилига 20 миллион метр газлама тўқиб чиқарадиган тўқимачилик корхонасини қўришни бошлаб юборишди. Иккита йигирув, 2та тўқув ва битта буйш пехларидан иборат бўлган бу янги корхонага хориждан келтириладиган 213 та юксак унумли дастоҳлар урнатилди.

Жаҳон андозларини асосида юқори сифатли газлама тўқиб чиқариладиган мазкур корхонага мингдан ортиқ ишчинини ишга қабул қилиш режалаштирилган.

## Азиз муштарийлар! «Ишонч» газетасига обуна бошланди!

Севимли газетамизни 1998 йил мобайнида ҳам узлуксиз олиб ўқишни истасангиз, унга обунани эртароқ расмийлаштиришга шўшилинг! Республикамиз ҳар бир фуқаросининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларига хизмат қилувчи «Ишонч» газетаси ижодий жамоаси келгуси йили ҳам Сиз - азиз юртдошларимиз ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилди.

Газетамизнинг ҳар бир саҳифаси, ҳар бир мақола, хабар, сўҳбат, репортажи Сизнинг тадаб-истакларингизга мос бўлишига ишонаверинг. Бир йиллик обуна буйича каталог баҳоси: Яққа обуначилар учун - 864 сўм. Ташкилотлар учун - 1176 сўм. ЭСЛАТМА: Ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳрида каталог баҳосинга алоқа хизмати ҳақи ҳам қўшилади.

## «Ишонч» мақолалари изидан «ЧАП БЕРМОҚЧИ ЭДИ, АММО...»

«Ишонч» газетасининг шу йил 12 августдаги «Чап бермоқчи эди, аммо» номли мақоласи Гулистон шаҳар ҳўқимлигида деҳқон бозори, солиқ инспекцияси раҳбарлари иштирокида қўриб чиқилди. Мақолада солиқ ҳўдмаларининг Ўзбекистон Республикаси Ваъзалар Маҳкамасининг 1997 йил 29 июлдаги «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини илғор бажариш юзасидан олиб бораётган қўндалик фаолияти ёритилган. Дарҳақиқат, бу борда вилоят ҳўқимлиги раҳбарлигида прокуратура, ички ишлар, солиқ, миқлий хавфсизлик, божхона, давлат стандарти маркази, усмилликларни қарантинлаш ва ветеринария инспекциялари, санитария эпидемиология станцияси ва бошқа мустақил ташкилотлар иштирокида муайян ишлар олиб бориламоқда. Фақатгина Гулистон шаҳар бозорини кейинги текширини пайтада Бўёв туманидаги «Ғалаба» деҳқон-фермер ҳўжалигида истиқомат қилувчи А.Маматқўлов 166 кг унни ҳўжжасиз сотиб ўтганини аниқлади ва давлат фойдаласига мусодалар қилиниб, қонубузардан 500 сўм жарима ундириб олинди.

«Деҳқонбўё» жамоа ҳўжалигида истиқомат қилувчи А.Жабборов 6 донна янмида илғор экин рўхсатсиз сотиб ўтганини аниқлади ва ундан 2500 сўм жарима ундириб олинди.

Ҳеч қандай ҳўжжасиз бозорда сотувчилик қилётганлардан 306 кг ун, 11 кг шакар, 7 донна маргарин, 2 шўша ёғ мусодалар қилинди. Умуман, шакар ва туманлар бозорларида ҳўкуматимиз қарори талабларини бунёд савдо қилётган 59 фуқародан 470 кг ун, 261 кг шакар, 79 кг ёғ, умумий қиймати 29 минг сўмлик аҳоли истеъмолига яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотлари, акция марказсиз сотиб ўтган 175 шўша сирғил ичимлик, 25 қўти тамаки мусодалар қилинди.

Тегишли ҳўқимликларга, ҳуқуқни ҳўмон қилиш органларига савдо шаҳобчаларида 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо-сотик қилишни қўқур таҳдид қилиш ҳамда аниқланган қамчиликларни бартараф этиш буйича аниқ чора-тадбирлар қўриш, айбдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар қўллаш оқлатилди. Шу борда олиб бориладиган ишлар тўғрисида 9 та жиний, 12 та огоҳнома ва 7 та илғимий ҳуқуқбузарлик ишлари қўзғатилди, 294 нахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 8 та тақдирнома киритилди. Ҳозирги кўнда вилоятдаги дўқонлар аҳоли учун зарур бўлган 8 хил маҳсулотлар билан узлуксиз таъминланмоқда.


Ҳўкумат қарорини сўзсиз бажариш чора-тадбирлари қатъий амалга оширилмоқда.

Х.ЯНГИБОВ,  
Сирдарё вилояти ҳўқимининг биринчи ўринбосари

## ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВ

Бугун Молдова пойтахти Кишинёв шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарларининг Олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Кеча мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов мазкур учрашувда қатнашиш учун Молдовага жўнаб кетди.



Россия Федерациясида миллиардерлар кўпайиб бормоқда. Биргина Борис Березовскийнинг уч миллиард доллардан кўпроқ сармоysi борлиги қайд этилмоқда. Гарбий Европа мамлакатларининг банкларида россиялик сармоядорларнинг 40 миллиард доллар олгани миллиард долларгача сармоyslари сақланмоқда.

Белоруссия журналистлари мамлакатда суз эркинлиги чекланаётганига қарши норозилик намойиши ўтказдилар. Хўсуван, утизага ақин журналистлар оғизлари рамзий равишда боғланган ҳолда Минскнинг марказий майдонидан утганлар. Шундан кейин булган норозилик намойишида ишга яқин киши иштирок этган.

Канада Бош вазири беш қўнлик расмий таширф билан Москвада бўлиши чоғида кеча Президент Борис Ёлцин билан учрашди. Учрашув чоғида ўзаро манфаатдорлик масалалари муҳокама қилинди.

Югославиянинг Чернгория Республикасида Президентлик сайловлари бўлиб ўтди.

АҚШ вакили Д. Росс навбатдаги таширф билан Қўдуста келди. У Исроил бош вазири ҳамда Фаластин раҳбари билан музокалар олиб бори. АҚШ Исроилнинг Қўдусдаги араблар истиқомат қиладиган жойларда яҳудийлар учун турар жойлар қўришга оид режасини амалга оширилиши кечкитарилишининг ёқламоқда.

Шри-Ланкада вазият кескинлигича қўлмоқда. Тамил илама гуруҳи исенчилари билан булган жангларда ҳўкумат қўролли қўчилари ҳам жиддий талафот қўрган. Тамил илама гуруҳи мамлакат шимол-шарқида мустақил давлат ташкил этиш мақсидида бир неча йиллардан буен қўролли қўраш олиб бормоқдалар.

АҚШнинг НАТОдаги вакили Хантер Озарбайжонда бўлиши чоғида мамлакат президенти Ҳайдар Алиев қабул қилди. Бундан олдин Хантер мамлакат Ташқи ишлар вазири Г. Гасанов билан музокалар олиб борди. Музокалар чоғида Озарбайжон билан НАТО алоқаларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Конго пойтахти Браззавиль шаҳрида таҳдидли осийишталик ҳўкм сўрмоқда. 1992 йил қўшпар тивий сайловларида президентликни Ҳой берган Дени Сассу-Нгессо яна ҳўқимий тешишга келди. У бу олий лавозимни шахсий қўролли гуруҳи билан қўлга киритди.

## Касабақўм: бугун у қандай бўлиши керак? ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ДАРКОР

Агросаноат мажмуи ҳўдмалари касаба қўмитаси Қорақўлпоғистон республика қўмитаси энг йирик оммавий ташкилотлардан бири ҳисобланади. Унинг таркибида 2 та шаҳар, 15 та туман қўмиталари, 726 бошланғич ташкилот бор. Тармоқда меҳнат қиладиган 194774 кишининг 193 ярим минг нафари касаба қўмитаси аъзоларидир.

Жойлардаги қўмиталар ва бошланғич ташкилотлар касаба қўшмалари аъзоларининг меҳнат ва илғимий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳўмон қилишни уш олдига асосий мақсад қилиб қўйганлар. Буида Ўзбекистон республикасининг «Касаба қўшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолият қаролатилган тўғрисида»ги Қўнни ҳамда бошқа ҳўжжатларда касаба қўшмаларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланилмоқда. Жўмладан иш ҳақи тўлиш, меҳнат қўнчилиги, ишлаб чиқариш санитарияси, хавфсизлик техникасининг қўнда ва мейерларига риоя қилиш, шартномалар, битимлар тузиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш-қўндалик иш фаолиятига айланган. Шўнингдек меҳнатқашлар ва улар оила аъзоларининг қўндаланишлари, дам олишларини ташкил қилиш ҳам касаба қўшмалари диққат марказида.

Мувофиқлаштирувчи кенгашлар битим ва шартномаларнинг бажарилишида ҳам кейинги йилларда уш фаолиятини анча жўндалтирди. Агросаноат мажмуи ҳўдмалари касаба қўшмалари Қорақўлпоғистон республика қўмитаси амалдаги йилда 9 та вазирилик, концерн, бирлашмалар ҳамда 556 та бошланғич ташкилотлар эса ҳўжаликлар, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузди. Унга асосан 310 минг тонна пахта, 346 минг 500 тонна шўли, 89500 тонна қўзғи, 5748 тонна эгиз бўғой, 14600 тонна гўшт, 40 минг тонна сўт, 193 тонна жўн, 24900 донна қўрақўл тери ва бошқа тур маҳсулотлар тайёрлаш, давлатга сотиш белгилаб олинди. Бу режаларни бажариш учун ҳал қилувчи қўраш кетмоқда. Пахта йиғим-терим қизғин давом этаетир. Ҳозиргача утган йилга нисбатан салкам 50 минг тонна қўп пахта сотилди.

Қорақўлпоғистон шўнчилиги учун бу йил гўят оғир бўлди. Сув таъқиқлиги натижасида шўли экилган 99 минг гектар

ернинг 40 минг гектардан кўпроқ қисми қўриб қўлди. Деҳқонлар сақлаб қўлинган майдонлардаги ҳўсидни асба нобуд қилмасдан уриб-янчиб олиш учун ушўқўқлик билан ишламоқдалар. Нуқус ва Тахтақўпир туманлари ҳўжаликлари бу борда пешқадамлик қилмоқда.

Орлўбуи минтақаси ҳўжаликларида баҳорнинг дастлабки ҳўсиди — паллачиликда ҳам бу йил яқин натижаларга эришилди. Белгиланган 557 тонна урнига 559 тонна «қўмуш тола» топширилди. Аммо, илғимчиликда катта тажрибага эга булган миришкорлар маскани Туркўл туманида бу бордаги шартнома бажарилишига бағишланган йилгишларда эса ана шу қўлоққиннинг асл сабаблари таҳдид этилди. Умуман Қорақўлпоғистонда шартномаларнинг адо этилишига бағишланган ярим йиллик, йиллик йилгишларида баъзи касабақўмлар фақат томошабини ролини уйнамоқда. Одатда ҳўжалик раҳбари, иқтисодчи, ҳисобчи ана шу йилгишларда шартнома бажарилишининг ҳўлати тўғрисида ҳисоб беради. Касабақўм раҳбарлари, фаоллари эса ана шу йилгишларга одам тўллаш билан овора бўлиб қўлалдилар. Туркўл, Кегейли, Чимбой, Нукус туманлари, Тахиятош шаҳри касабақўмлари ҳатто шартномаларнинг бажарилишининг бориши тўғрисида ярим йиллик ҳисоботлари тайёрлашни узларига эл қўришмади.

Қорақўлпоғистон деҳқончилиги мажмуи касабақўмлари фаолиятига назар ташлар экансиз, маданий-маиший шартнолар яратишда уларнинг ҳаётдан орқанда қолаётганининг гувоҳи бўласиз. Бундан 5-6 йиллар олдин тажўм булган клублар, кутубхоналар ойлаб, ҳатто ярим йиллаб ишламайдилар. Мағлар йўқ деган баҳона билан болалар боғчалари ҳам ениб қўйилди.

Меҳнатқашларга уш вақтида меҳнат ҳақи бериш масаласида ҳам касабақўмлар бирор самарали иш қилишдан оғиз бўлиб қолаётир.

Хавфсизлик техникасининг қўнда ва мейерларига ҳаммаша ҳам риоя қилинмаётир. Амалдаги йилнинг утган даврида техникавий инспекция томонидан 70 дан (Давоми 2-бетда)

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўтган шанба кўни Қўзғистонда «Диллар орасида мурося ва қаноат» кўни нишонланди. Ноғирон ва уруш қатнашчиларига дастурхон ёзилб ош берилди. «Шаҳримизда эса 30 минг нафақақўр бор, бугун минг кишига ош берилди, шўнсинга ҳам раҳмат», деди бир қария.

Украина Президенти Л.Кўчма Қўзғистонга қилган таширфи чоғида республика президенти Н.Назарбўева Украинаниннг олий мукофоти Ярослав Мудрий орденини топширди.

Қирғизистон прокуратураси собиқ вазири Ж.Омонбўев иши юзасидан олиб бориладиган тергов жарасинини тўғатди. У турк фирмасини 882 минг сўм солиқдан озод этиб, мамлакат иқтисодига зарар етказганлигида айбланмоқда.

Туркменистон президенти С.Ниёзовни соғлигини билан ва у билан қисқа сўҳбат ўтказиш мақсидида Эрон, Покистон, Англия ва Бирлашган араб амирликларининг юқори мартабали арбоблари келиб кетишди.

Шу йилнинг июнь ойидаги ҳўкумат ва муҳолифат раҳбарлари орасида эришилган келишувга асосан 1993-1996 йиллар давомида тўқнашуларда асир олинган ҳўкумат қўшнларидан 80 нафари озод этилган. Тавил-Дарадан Душанбегача уларни Россия аскарлари қўриқлаб борган. Бунга жавобан ҳўкумат ҳам муҳолифат қўчларидан 58 асирни бўшатган.

Маълумки, Қўзғистон ҳўкуматининг нафақа ва маошлар бўйича аҳолидан қарз борган сари ортиб бормоқда. 1998 йилнинг 1 январигача бу қарзлардан қўншлик учун янгида пул босиш керак эмас, балки ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш лўзим», дейди республика миқлий банки бошлиғи У.Жўдўсов.

Жаҳон ахборот агентликларининг маърузалари асосида

# ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ДАРКОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

ортиқ қишлоқ ҳужалиги ташкилотлари қудан утказилди. Натижлада мингдан ортиқ хато-камчиликлар, нуқсонлар аниқланди. 30 нафар мансабдор шахсларга жарима солинди. Масалан, Ҳужали туманидаги «Қорақалпоғистон», Беруни туманидаги «Олғабос», Бекир Каримбердиев номидаги ҳужалиқларда хавфсизлик техникасининг қондаларида ривож қилинмаган, уни қўпол равишда бузиш ҳолатлари содир этилган. Шунинг учун ҳам ана шу ҳужалиқ раҳбарлари Б. Жапаберганов, С. Қўчқоров, ишдан олиб ташланди.

— Ичилиш натижасида боришимизга қарамасдан жойлардаги мутасаддилар, касабакумлар фаолиятсизлиги сабабли бахтсиз ҳолатлар келмаётгани, — дейди деҳқончилик мажмуи касабаси уюшмаси Қорақалпоғистон республикаси кумитаси техниканий инспектори Қозоқбой Бобононов, — Амударё туманидаги «Амударё» асалиричилик ҳужалиги, «Қуролша» деҳқончилик ижара уюшмаси, Беруни туманидаги «Олғабос» ҳужалиқларида техника хавфсизлиги ривож этилмагани оқибатида бахтсиз ҳолатлар юз бериб, бир неча киши ҳаётдан бартараф куз юмди.

Умуман Қорақалпоғистон республикаси овулларида касабакумлар фаолияти сусайиб кетди. Яқинда ушунини таъминла-

лаган Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси мажлисида таъкидлаганидек, касабаси уюшмаларининг урни билинмайпти. Бунинг яна қандай сабаблари бор? Биз шу савол билан Қорақалпоғистон деҳқончилик мажмуи касабаси уюшмалари республикаси ташкилий бўлим муdiri Тоҳир Алиевга мурожаат қилдик. — Бунинг узига хос объектив ва субъектив сабаблари бор, — дейди Тоҳир Алиев. — Жойларда ташкилотчилик ишлари сусайтириб юборилди. Барча касабакумларнинг молиявий аҳволи гоат ёмонлашди. Фаолларни тарбиялаш, уларни қайта тайёрлаш ишлари узи буларчиликка ташлаб қўйилди. Уларни ўқитиш ишлари тўхтаб қолди. Олдинлари касабакум раислари, айрим йирик ташкилотлар фаоллари ўқуви булар эди. Уни қайта тиклаш керак деб уйлайман.

Ҳа, барча тармоқ касабакумларида бўлгани каби деҳқончилик мажмуи касабаси уюшмалари бошланғич ташкилотларида ҳам ишни бугундай қайта куриб чиқиб, ҳар бир касабакумнинг ҳаётда ушунини топишига эришиш — бу шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифасидир!

Абду РАҲМОН,  
«Ишонч» мухбири.

## Касабаси уюшма ҳаёти

### ХИЗМАТГА ЯРАША

Туман алоқа тармоғимизда 526 нафар касабаси уюшма аъзолари меҳнат қилиб келмоқда. Тармоқимиз таркибиде 11 та автомат телефон ташкили бўлиб, 81 мингга яқин миқозда қўрилди келмоқда. 44-автомат телефон станцияси электрон ускуналарида тулик алмаштирилди ва 7 рақамли станцияга айлантирилди катта сифат узаришларига эришилди. Шу йилдан бир қаторда хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида марказлашган таъмирлаш бюроси ҳам ташкил этилди. Маъзур бюро алоқа ускуналарининг қисқа муддатларда бартараф этилиши жуда қўл келмоқда.

Биз эса кеча-қундуз эл хизмати қиладиган ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш йулида таъбирлар тузиб амалга оширмоқчимиз. Ишлаб чиқариш мийнши паровитини яратиш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш йулида бирмунча ишлар қилинди. Ишчи хизматчиларни маъсуе иш қоржомлари билан таъминлаш масаласи ҳам диққат-эти-

борда бўлмоқда. Жамоамиз аъзолари ҳордиғини ташкил этиш ва соғломлаштириш олдимида турган энг фаол масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бу йил 10 нафарга яқин ҳодим республикамиздаги санаторийларда соғлиқларини тиклаб қайтидилар. Шунингдек 10 ишчи-хизматчи дам олиш йулида ҳордик чиқарди.

Жамоамиз аъзоларининг 44 нафар фарзандлари Бустондиқнинг сулим табиати куйида жойлашган «Алоқачи» болаларни соғломлаштириш оромгоҳида дам олиб қайтидилар. Бундан ташқари эс ойлариде ҳафтаинг дам олиш кунлари навабтама-наваб Чорвоқ дам олиш масканида ҳордик олиб туришлари уюштириб турилди. Бундай ташкилий ишларни бундан кейин ҳам ичилик давом эттирамыз.

Сайфиддин ЁҚУБОВ,  
Тошкент шаҳар С. Раҳмон тумани телефони алоқаси тармоғи касабаси уюшма кумитасининг раиси.

## КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ...

Ўзбекистон қон-металлургия ҳодимлари касабаси уюшмаси Марказий кумитаси раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Тармоқ қоржомлари ва ташкилотларида кузи-қилиш паровити ишлашга тайёрлик масаласи муҳокама қилинди. «Олмилик қон-металлургия комбинати» ҳиссадорлик жамияти бош директори В. Сигелин, Ўзбекистон қаттиқ қотишчилар ва ута чидамай металл комбинати бош муҳандиси И. Асадов, «ЎЗМЕТКОМБИНАТ» ҳиссадорлик ширкати раёсатининг касабаси уюшма кумитасининг раиси М. Боймўхамедов ва бошқаларнинг шу сусувасти ахборотлари тинтилди. Раёсат қилки паровити ишлашга ушун жараянида муайян камчиликлар юз бераётганини кўрсатиб ўтди.

Раёсат мажлисида Марказий кумитанинг илгарии мажлисида тармоқ қоржомларида Ўзбекистон республикаси Меҳнат Кодекси

таъабларининг бажарилиши ҳақида қабул қилинган қарорнинг ижро жарани муҳокама қилинди. Қайд қилинчлики, жойларда меҳнат қонунларини бузиш, қайриқонуний ишдан бушаткиш ҳолатлари узи-кечиб барҳам тоганини йўқ. Касабаси фаоллари ҳуқуқий билимини оширишда ичилик этишмайдилар. Раёсат мажмуи нуқсонларни бартараф этишга қаратилган тегишли қарор қабул қилди.

Мажлис Ўзбекистон Қон-металлургия саноати ҳодимлари касабаси уюшмасининг касабаси уюшмалари ҳалқаро биришмаси — «СОЮЗ-МЕТАЛД» касабаси маркази аъзоларидан чиқиб турилишига масалани ҳам муҳокама қилди ва тегишли қарор қабул қилди. Мажлисда касабаси фаолларининг бошқа масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ж. МУРОДОВ.

# ҲУҚУҚИЙ САВОРХОНЛИК ЙЎЛИДА

Ҳуқуқий давлат сари Ўзбекистонимиз далил олим ташлаши зарурлиғини муҳтарам юртимизимиз бир неча бор таъкидлаганлар. Шу уринда меҳнатқилларнинг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни куриш касабаси уюшмаси фаолларининг ҳам бурчи экани аниқ.

«Тошкент» аэропорти касабаси уюшмаси кумитаси ташаббуси билан утказилган таъбирлар сўхбатидан қузланган мақсад айнан шунда уз инфоляцияни допган эди. Касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қарорини бажара бориб, аэропорт касабаси уюшмаси кумитаси бир қатор мутаҳассисларни меҳнатқиллар ва уз

фаоллари билан учрашувга таклиф этди. Тўланганларнинг саводларига Федерация Кенгаши юридик бўлими бошлиғи Ҳамидулла Пиримқуллов, Кенгашининг ижтимоий сўгурта ва меҳнатқилларни соғломлаштириш бўлими бошлиғи Вячеслав Қорабоев ва Кенгашининг меҳнатқиллар ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлими маслаҳатчиси Клара Шоносупова, Ўзбекистон авиацияси касабаси уюшмаси марказий кумитаси раисининг уринбосари Леонид Глушко жаваб беришди. Барча хизмат ва бундимиаларнинг раҳбарлари, қизиққан ҳодимлар учрашувда уларни ушун жуда кўп янги маълумотларни олишганини

этирфой этишди. Аэропорт касабаси уюшмаси раиси уринбосари Ирина Дило айтишича, Федерация Кенгаши

## Касабаси уюшмаси кумиталарида

қарорита биноан бандгароҳ қўтубхонаси зарур юридик алаб-бетлар, даврий матбуот нашрлари билан таъминланган, ҳодимлар уларини қизиқтирган масалалар буйича маълумотларни бу ерда ўқиб билишларидан ташқари, эҳтиёж туғилганда юридик маслаҳат олиш имкониятига ҳам эгалаар. Бу боралда қўтубхона мудираси Татьяна Индина бошлиқ фаолларнинг

саъй-ҳаракатларини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Учрашувда барча саводларга жаваб берилиб, деб айтдик. Аслида, бир саволга жаваб беришга ортиқ йил чигилари аэропорт маъмурияти томонидан харид қилиб олиниб, хизмат бурчини бажариш учун тарқатилди. Аммо бугунги ҳодимга маюш тулаш буйича ҳисоб-китобларни амалга ошираётган пайтда бу чигиларни ҳам дароам тури сифатида ҳисоблайди. Демак, ана шу маблагдан ҳам ҳодим барча солиқларни тўлайди. Хизмат бурчини бажариш мақсадида фойдалангани боис ана шу чигта ҳақи ҳодимнинг дароам манбалари қаторита киритил-

маслиги мантқиқий нуқтанан зараран тугрилай туполади. Ам-мо ҳозирча бу боралда аниқ бир ҳуқуқий ҳужжат йўқ. Демак, муаммо кўп тартибидан олиб ташланмай дейиш мумкин. Умуман олганда, — дейди аэропорт касабаси уюшмаси раиси Нэзия Вилева, — бундай учрашувлар жуда фойдалу. Шунинг учун биз бу каби учрашувларни келусида ҳам мурағатам равишда утказиб боришни режалаштирмамыз. Дарҳақиқат, меҳнатқиллар уз ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақида қанчалик тулик маълумотга эга бўлишса, биз ҳуқуқий давлат куриш йулидан шунчалик илгарийла оламиз.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.

## Касабакўм: бугун у қандай бўлиши керак?

### ЕТАҚЧИ ИШЧАН БЎЛСА...

Маданият ҳодимлари касабаси уюшмаси Сирдарё вилояти кумитаси раиси Зайниддин Уринбоев билан сўхбат.

Республика маданият ҳодимлари касабаси уюшмаси марказий кумитасининг 11 қурултойида долзарб муаммолар ўртага қўйилган. Мана орадан қарий икки йил ўтди. Улар ҳаётда уз ечимини топдимми?

— Тармоқ касабаси уюшмаси кумитаси ва раёсати қурултойи курсатмаларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб боришга интиломоқда. Утган муддат мобайнида маданият ҳодимлари меҳнатини ҳимоя қилиш, уларнинг иш шароитини талаблар даражасига етказиш борасида бир мунча ибратий ишлар амалга оширилди. Бошланғич ташкилотлар обрусини ошириш, мактебини яхшилашга жиддий эътибор қаратилди. Кумитамиз бошланғич ташкилотларга меҳнат муҳофазати, моддий рағбатлантириш, илтиёз ва қафолатларни таъминлаш каби масалаларда амалий ердан курсатиб келмоқда. 212 нафар бошланғич касабаси уюшма ташкилотли раислари, ҳисобчи-хазиначилар, кадрлар бўлими бошчилиги, техника хавфсизлиги муҳандислари малакаси оширилди. Натижалда бир ярим йил мобайнида тармоқ ҳодимларидан эъза равишда ариза эки шикоятлар тушгани йўқ. Фақатгина 18 киши қабул қилиниб, уларнинг озгачи мурожаатлари ҳал этилди, ҳолос. Шунингдек, камчиликлар ҳам кўп. Айрим касабаси уюшма кумиталари фаолиятида жиддий нуқсонлар бор. Энг ачинарлиси, бир қатор ташкилотларда тузилган таъбирлар фақат қоғозлардагина қолиб кетаяпти. Маданият муассасалари Оқолтин, Меҳнатобод туман ташкилотларида меҳнат ва ишлаб-чиқариш интимоини мустаҳкамлаш буйича таъбирлар утказилмаган. Сунти йилларда бу туманлар касабаси уюшма ташкилотларида меҳнат қонунини иш режасига киритилиб, касабаси уюшма йиғилишларида муҳокама қилинмаган. Жамоа шартномаларининг бажарилиши аҳволи ҳам ҳеч кимни қониқтирмайдилар. Қўпгина шартномалар юзаси ва аниқ мақсадларга хизмат қилмайди. Меҳнат қонунлари бузилишига йул қуйилган, ҳолатлар ҳам бор. Масалан, Гулистон шаҳар боғмаҳонаси, маданият ва истироҳат боғида ишга қабул қилинган ҳодимларни буйруқ билан таништирмастик еки бошқа ишга утказилган ҳодимлар розилиғи олинмаган ҳолатлари аниқланди.

— Бошланғич ташкилот мактеби сизни қониқтирмаяптими?

— Бошланғич ташкилот мактеби уни бошқарётган киши салоҳияти, унинг удабуворонлиғига боғлиқ. Бизда ҳам уз урни, уз сўзига эга булган етакчилар қўнчилиқ. Ана шундай обрўли ташкилотларимиздан бири Сирдарё шаҳар боғмаҳонаси касабаси кумитасидир. Ташкилот жамоада узига хос мактега эга. Ташкилот талабига мувофиқ боғмаҳонада соғлиққа зарар етказмайдиган уасетка тўғатилади. Қўрғонин билан ишлаш камайтирилди. Ишчилар бепул сўт-қатик билан таъминланади. «Арзон» нарҳиз иссиқ овқат, аёллар меҳнатини қадрилай, ҳуллас меҳнатқил манфаати учун барча ишлар қилинмоқда. Аммо бунинг акси булган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Лекин энг ачинарлиси айрим бошланғич ташкилот раислариде соқайиб қолди. Қўпгина меҳнат жамоаларида номига касабакўм лойлашди. Номига қоғоз қораланади. Оқибатда ишлар улда-жулда. Вилотиямиз буйича унга яқин бошланғич ташкилотлар уз мактебини йўқотиб қўйган. Биз улар билан кўпроқ ишлашга интиляимиз. Қонун талаблари асосида иш-лоринг, малакасини оширишга қўллашаймиз. Уйлаиманки, келажакда бу уз самарасини бериши шубҳасиз.

Сўхбатдош: ШУМБАЙДОВ Нуралла САМСИЕВ.

## Шартнома шартлари бажарилаяптими?

Мамлакатимиз раҳбари вилотиямизда булган чоғида қишлоқ ҳужалиқлари режалар барбод бўлаётганлиғини алоҳида таъкидлаб утган эди. Танқиддан тугри ҳулоса чиқарган соҳа ҳодимлари қишлоқ ҳужалиқларида туб бурилиш ясаш мақсадида сезиларли ишларни амалга оширмоқда. Галла ва пахта майдонлари биринчи марта ҳашариқлар ердамида қуздак шудгорланди, аниқҳонлиқлар тахрибаси асосида плёнка остига чигит қилинди.

Вилотиямизнинг барча туман ҳужалиқларида 1997 йил галла ҳосили учун тайерлов идоралари билан ҳужалиқлар ўртасида 215 минг тонна галла етиштириш учун белгиланган муддатларда контрактация шартномалари тузиб чиқилди. Шартнома белгиланган маҳсулот миқдорига қараб босқичма-босқич 40 фоизлик аванслар бериб борилади. Барча ҳужалиқларда қаттиқ меҳнат қилинди. Ҳужалиқларда ижара пудратлари ташкил қилиниб, ҳар бир ижарачига шартнома асосида галла майдонлари бириктирилди.

Албатта, қилинган меҳнатга яраша ҳосил етказилган эди. Лекин табиат инжиқликлари, қуclid дул деҳқонларимизни шошириб қўйди. 33 минг гектар майдондаги галла ва пахта майдонлари ер билан яқсон булди. Натижалда олинмаган галла ҳосилдорлиғи қутилиб қолди. 33 минг галла. Лекин шунга қарамасдан, вилотият шиллоқлари, Мирзачул, Форш тумани галла-қорларни давлат буюртмаларини бажардилар. Лекин бошқа туманларда доңчиликдаги аҳвол узгармади. Ҳозирги таҳлил ва натижалар галла-

ачинарли. Туманининг «Нурли қуеъ», «Узунбулок» ва «Турон» каби ҳужалиқларида галла тайерлаш 21—23 фоизга бажарилди, ҳолос. Тугри, 33 гектар майдондаги галла табиий офатдан нобуд булди. Аммо барибир йил сабоқларидан жиддий ҳулоса чиқарилмиз, 1998 йилда бошқоқди дон еқиларидан мул ҳосил олиш учун ҳозирдан бошлаб амалий ҳаракатлар қилиниши зарур.

Пахтачилик — вилотиямиз иқтисодиётини кутарувчи асосий тармоқ. Деҳқонларимиз бу йил давлатга 257 минг тонна пахта етказиб беришлари керак. Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терими масумини таъкилий равишда утказиш чора-тадбирлари тугрисида»ги қарори асосида қилча машина меҳанизмларини ва пахта қабул қилиш пунктлари маъмулга тайергарлиғи куриб чиқилган пайтда ташқида камчиликлар аниқланди.

Мана, ҳозир поллиз, узум маҳсулотлари ва помидорларнинг гарқ пилган вақти. Шунинг учун деҳқонлар меҳнатини енгиллаштириш, тайерлов идоралари томонидан автоматшаналар билан майдондаги маҳсулотларни олиб келиб ҳалққа етказиб бериш лозим. Агар шундай ердларлар уз вақтида қуртамласа, шартномада белгиланган маҳсулотни эл дастурхонда уз вақтида етказиб бера оламиз. Булдан ташқари, маҳсулотларни қилча саклаш ишлари ҳужалиқларда тезла амалга оширилиши керак. Бунинг учун ҳужалиқлардаги мажмуи омборхоналар тезла тозаланиб қуйилиш лозим. Ҳужалиқлардаги жуда қўллаб омборхоналарнинг бе-



## ҲАҚИҚАТ

чиликда жуда катта нуқсонларга йул қуйилганлиғини кўрсатди. Утган йили қузда майдонларда белгиланган миқдорда уруғ еқилмаганини маълум булди. Урим-йиғимга қомбайнлар яқини тайерланмаган, галла парвартишининг айна қизин бир пайтда қушгина раҳбар ва мутаҳассислар галлани қапқатиб қуйишган. Ҳосил бой берилиди. Унинг ачиқ сабоқларини бутун тотиб туримиз.

Нуқсонларнинг асосий сабаблари, табиий офат бўлса, иккинчи еқдан сун танқислиғи ва уруғчиликдаги аҳвол ҳам паниб берди. Бундан ташқари ҳужалиқ раҳбарлари юзга келган наъиятдан чиқиб йулини қилириш, кўпроқ меҳнат қилиш уринга фақат ердан сураниш олат қилинган. Шунинг натижасида қўллаб ҳужалиқлар вилотият курсаткичидан ҳам паст курсаткичларга эришилди. Жумладан, Пахтакор туманидаги «Гулистон» ҳужалиғи 20 фоиз, «Бустон» ҳужалиғи 25 фоиз, Зарбдорлиқ «Зарафон» ҳужалиғи 12,6 фоиз, «Юксалиш» ҳужалиғи 10 фоиз курсаткича эришди. Бундай ҳолатларни бошқа туман ҳужалиқларида ҳам қузатиш мумкин. Айниқса, Баҳмал тумани ҳужалиқларидаги аҳвол

қор етишига барҳам беришимиз керак.

Умумин қайта ишлаш қорхоналари шартнома тўзган ҳужалиқлари билан узумин уз вақтида йиғиштириб олишлари учун ердан курсатишга мақсадга мувофиқ булади. Бу йил Галлаоруд ва Баҳмал туманининг баъзи ҳужалиқларида узумзорлар қаровисиз қолиб кетмоқда. Бунинг асосий сабаби узумга кетган транспорт харажатлари узум нарҳини қоплай олмагани бўлса, иккинчидан узумни қайта ишлаш шехарлидаги қабул қилишга тайергарлик ишларининг ута сусулиши.

Тайерлов идоралари томонидан узум, мена ва поллиз маҳсулотларига шартномада белгиланган тартибдаги 25 фоизлик авансларнинг берилмаганлиғи ҳам узунинг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

У. КАРИМОВ,  
Жиззах вилотият қишлоқ ҳужалиқ маҳсулотларини тайерлаш ва сифати буйича давлат бош назорати.  
А. ЭРГАШЕВ,  
«Ишонч» мухбири.

# ЖАДИДЧИЛИК ВА ИСТИБДОД

Тарихий ҳужжатлар гувоҳ бўлиб турибдики, бу даврда ҳеч қандай инқилоб булган эмас, инқилобий назият ҳам пайдо бўлмаган. Қизил армия тугридан-тугри «Еш хиваликлар»нинг кичик ҳарбий бўлинимаси билан биргаликда Хивага икки томондан ҳужум бошланди. Қўчлар нисбасти тенг эмас эди. Шунинг учун ҳам Қизил армия 1920 йил 1 февралда пойтахт Хивани эгаллайдилар. Саййид Абдуллоҳон талхдан воз кечадди. Шундай қилиб, ҳонликда коммунистик босқин галаба қилди. Бу галабанинг таъминлашида рус ҳарбий қўмондонлари Н. А. Шайдаков, Н. М. Шчербаков ва Г. Б. Скаловлар жонбозлик курсатадилар.

Ҳонликда ҳокимият босиб олинганидан кейин «Еш хиваликлар»нинг Тошкент ва Чоржуз кумиталари Хивага тақлиф этилиб, ҳокимият тепасига утказилди.

Ревком, яъни муваққат ҳукумат тузилди. Унга Хива жадидлари еш хиваликлар ташкилотидан Ж. Султонмуродов, Мухаммаджон бий, Бобооҳун Салимов, Жалолюҳон, Мулла Абдулайҳид Қори, туркманлардан Мулла Уроз, Мулла Наврузлар кирди. Биринчи кундан бошлабқок ревкомга «Турк комиссияси», «Туркфронт» раҳбар ва вакиллари уз таъбирларини утказса бошлайдилар. Улар хоннинг собиқ амалдорлари ва ҳокимларини тўтиб олиб, отиб ташлашни талаб этишди. Бунга маҳаллий миллат вакиллари порозилик билдириди. Шунга қарамай, хоннинг бош вазири Давлатмурод Тога маҳрам отиб ташла-

нади. Бошқалар эса қамоққа олинади. Мана шундай бир пайтда номитганига бутун Хоразм халқ вакиллариининг биринчи қурултойи бўлиб утади. 27—30 апрель кунлари. Унда олдиндан белгилаб қўйилган «Хоразм халқ шўро республикаси» ташкил этилади. Унга раис этиб «Еш хиваликлар» марказий кумитасининг раиси П. Юсупов, унинг муовини этиб Б. Салимов сайланади. Қурултойда яна 15 нафар сайланади. Шундай қилиб, яна Хивада жадидлар ҳокимияти тикланди. Бу гал энда уз шўро қурилишида булди. Аммо уларга мустақил ишлашга Россия комфиркаси ва шўро ҳукумати имкон бермайди. Шунинг учун ҳам жадидларнинг ҳуқуқларининг бу гал зурга 12 ойда қузилиди.

Дастлабқик кунлардан бошлабқок марказнинг коммунистик таъзиқи кучи булди. Бунга нисбатан жадид энедилари ва халқнинг порозилиғи қучайди. Диний уламо ва халқ вакиллариининг қатта бир гуруҳи ҳукуматга ариза езиб, комфиркани таъқиқлаш ва коммунистларни мамлакатдан ҳайдаб чиқаришни талаб этади. Ҳатто 1920 йил 26 июнь, 8—9 июль кунлари коммунистларнинг уюшмачилиғига қарши халқ оммасининг митинглари бўлиб утади.

Бунга жавабдан коммунистлар ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида ҳукуматга қарши ҳар хил иғво ва тапшиқотларни қучайтиради. Бу Бутун Хоразм қурултойини утказувчи сайлов комиссиясининг фаолиятида аққол сезилган. П. Юсупов бошлар ҳукумат сайлов комис-

сиясини тарқатиб юборишга мажбур булди. Ҳукуматга қарши таъвиқоти миан этади. Мана шундан сунг комфирка 1912 йил 10 мартда ҳукуматга қарши ҳарбий исеб уюштиради. Шу кун 5 мингдан ортиқ қизил аскар ва милиционерлар ҳамда коммунистик тарбиятобта ишонганлар қулариде қурол билан пойтахт майдони ва қуларига олиб чиқилди. Бир неча вазирлар қамоққа олинади. Бошқаларни эса, ҳукумат бошлиғи П. Юсупов билан биргаликда қочиб кетишга ултуради.

Комфирка шу йул билан ҳокимиятни босиб олади ва узунинг «инқилобий кумитаси»ни тузади. Коммунистлар бунга «халқ шўро инқилобининг галабаси» деб курсатади. Аслида эса бу қонунсизлик коммунистик босқинчилик эди. Бунинг унинг иштирокисы, Россиянинг Хивадаги фавқулодда ва муҳтор вакили большевиклардаги «суллик касали» деб атайди.

Инқилобий кумита мамлакатда бутун ҳокимиятни уз қулига олиб, ҳарбий зуравонлик билан П Бутун Хоразм қурултойини қақиради. 15 мартда иш бошлаган бу қурултой янги ҳукуматни саялайди. Бу ҳукумат ҳам Марказий Осиедаги жадидчилик гоёсига содиқ булди, мустақиллик асосида уз халқ, ватани манфаати ва эрки учун узлигини аниглаб иш юрипти.

Ҳукумат таркиби аста-секин «Еш хиваликлар» ва унинг тарafdорлари билан тулдирлади. Хоразм Халқ Шўролар Республикаси Марказий

эълон қилинишидан куриниб турибди. Бундан ташқари, тез орада большевикча социалистик тамойилларни амалга ошириш учун муслулмон дини ва диндорлар таъқиб остига олинди, эски муслулмон мактаблари, масжид ва мадрасалар епиб қузилди.

Қозилқ маҳкамалари урнинга шўро судлари жорий этилди. Аҳолининг ерлари, мол-мулки ва чорваси тағлилаб, ҳисобга олинди. Шунингдек, Қурбон хайит байрами ва мазорларга бориш таъқиқланди. 1923 йил ноябрдан бошлаб, Хоразмда янги ер солиғи жорий қилинди. Савдогарлардан ҳам бир хилда пайвент солиғи олина бошланди. Катта ва кичик савдогарлар фарқланмади. Бу «тегилқ» тенгсизлиқни қучайтирди. Коммунистлар жадид амалга оширган инқилобий узаришлар, аниқроғи, босқинчилик ва истибдод, таъқибу зугумлар халқ оммасининг сабр-қоесини тудириб, галабини оширади. 1924 йил январда Лениннинг васиятига қура, Марказий Осиени қайта тақсимлаш ишлари қизгин кетаятган бир пайтда туркман дархонлари ва узебклар қузелон кутарди. Қузелонга жадид ва бошқа ватанпарвар қилчлар раҳбарлик қилди. Унда қатнашганларининг еки тез орада 10—15 мингга етди. Қузелончиларга ердан бериш учун Жуналиҳон 8 мингга яқин йиғиларни Хива тумонига йул олади. Каттагина ҳулуд унинг ва қузелончиларининг қулига утади. Хива наҳри қамал қилинади. Радиостанция бузилиб, телеграф симлари эса

бузиб ташланади. Қузелончилар фақат комфиркани эмас, балки шўро ҳокимиятини ағдариб ташлашни уз олдига мақсад қилиб қуйган. Бу пайтда ҳукумат раҳбарлари СССРнинг иккинчи қурултойда қатнашгани учун Москвага кетган эди.

Хивадаги комфирка ва марказий ҳукумат вакиллари тезлик билан яна инқилобий кумита тузиб, қўзғолонни бостиришга киришадилар. РКП(б) Марказий кумитасининг Урта Осие бюроси қарори билан Хоразмга жуда катта армия юборилди.

Қизил армия марказ курсатмасига асосан беаен ва ҳурфия хунрезлик ва вайронлар эвасига қузелончини бостиради. Унда Хива қамалдан овоз қилинади. Шўро

# ОИЛАДА

## Доворасида

### Одамийлик сабоқлари

## МАСЪУЛЛИК

— Ҳаммагиз қўл остин-гизда ва қарамоғингизда бўлган нарсаларга масъулсизлар, деган Аллоҳим. Имом, подшо ва оғула бошқилари қилган амаллари ҳисобидан ҳудуд олдига жавоб берадилар. Шундай имомлар борки, "сен менга тегма, мен сенга тегмайман", деб утадилар. Шу зайдга 30-40 йил бир масъулда имомлик қилвердилар. Нима учун халқ домлани ҳурмат қилади? У халққа тушунтириши, дузах утлари-га тусик бўладиган йулларни курсатгани керак. Улар фақат туйларга бориш учун домла бўлишлари керак эмас. Одамларга яхши курамай деб, марбузани шунга буриб ҳам бўлмайди. Аллоҳга яхши кураиниша ҳаракат қилиш

керак. Фақат битта нарсаси бор, одамларни ҳурмат қилиш керак эмас. Эшитилганларнинг макеига, имонига, илми борми, илми йўқми, шунга қараб даъват қилиш керак. Уларнинг онига, маънавиятига алоҳида аҳамият бериш керак. Аллоҳ ақл берган, фаросат берган. Улар орасида инсофга кириб келатганлар бор. Уларга имондан, Аллоҳнинг қудрати, яқка зот эканлиги ҳақида гапиринг керак. Кундалик ҳаётдан олиб, қизиқ воқеалар ҳақида гапиринг. Шунга оғула Аллоҳга ишқ муҳаббат уйғотинг. Даъватчи ҳар қандай шароитда ҳам қулиб туриб, ширин сузлаб, инсонлар шахсига тегмай, улар қалбига шундай йул очингки, улар мумин-мусулмон бўлишга ҳаракат қилиш

қолинлар. Мусулмонман деясизми, мусулмон бўлинг. Қўл остин-гиздаги одамларга яхшилик қилинг, шароит яратинг, имон-этиқолга бошланг. Шундай қилиш ҳаммагиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Оғула бошқиги, маҳалла оқсоқоли, ҳоким, директор, олим-профессор, имом, шоир еки сузвичи, ҳатто подшоҳ бўлсак ҳам ҳаммагиз масъулсиз. Шунинг учун бизларга юклатилган вазифаларни ҳалол, виждонан бажарайлик, айтилганларга аввал узимиз амал қилайлик. Масъулликни сезайлик, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам юзимиз шувут бўлиб қоламиз.

Фозила ҚОРИ МАЪРУСАСИ АСОСИДА ШОМАҲМУД ТАЙЁРЛАДИ

### Донолар дейдилар:

Асл мард тилга зўр бермайди: у узини куз-куз қилармайди, қахрамонликни жасорат эмас, бурч деб билади.

### А.А.БЕСТУЖЕВ

Мардик одамларни хатарли дақиқалардан ажойиб ишларга ундовчи фазилатдир.

### АРАСТУ

Довораслик бошқа яхши фазилатларнинг усини учун албатта зарур. Ахир, мард бўлмай туриб адолат излаш еки муҳаббатни ардоқлаб асраш мумкинми?

### М.ГАНДИ



### Боланинг тили ширин

— Кузичоғинг қизига, қорни очасам "ма-ма-ма" дегверди. Туйсам фақат билгани шу "ма-ма-ма".

— Узинг қизик экансан, деди Собир Ҳасанга. — Узи яқинда туғилди-ку, қуй бўлгунча анча урганиб қолар.

— Вой-бу, ниманинг расми бу? — сурди Алхам уртоғининг ишини кузатиб.

— Кучқоринг. Энди шохини чизапман. Тезроқ қочманг сузиб олади, деди Вали. Гафиз АБДУЛЛАЕВ

Холхўжа МИРЗАЕВ

### Фақат қизлар ўқисин

## ЮРИШ=ТУРИШ ОДОБИ

Фарангистонлик эшшонос олима Бурдон хоним: "Оврупо аёллари ахлоқ-одобни, ифратин бизнинг назаримизда ёшони ҳисобланган туркистонлик аёллардан урганмоғимиз жонг экан... Лестафт. "Дидро назарисларидан мутлақо беҳабар бу аёллар ахлоқ назариясидан қўлланмалар эсаалар арзир экан..." деб эганида нақалар ҳақ эди. Дарҳақиқат, Шарқ аёлларининг узинг хос бўлган ажойиб фазилатлари борлиги ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, булардан бири юриш-туриш одобидир. Кишининг кимлиги ташқи кифаси, гузаллиги, узини тутиши, юриш-туришининг қай даражадалиги ҳам белгиланади. Қизларнинг кучада қаттиқ товушда, шовқин солиб ташлашлари, қулишлари одобдан эмас. Мабоодо шундай шароитда гаплашиш лозим бўлиб қолса, кини фақатгина суҳбатлашганига эшитилган тарзда оҳиста гапирини мумкин.



нигишда, қизларнинг узини кичикроқ ташлаганингиз маъқул. Қоматни тик тутиб, майда қалам ташлаб юриш қизига қурқ бағишлайди. Юриб кетатиб еки тик туриб бирор нима ейиш маълумиятлик белгиси бўлиши билан бирга сизнинг лифотингизга нутур етказлади. Зинҳор-базинҳор тик туриб оқатиб ёб юришга одатланманг.

Ғоҳо қизлар қулида оғир сумка билан транспортга югурдилар. Терлаб, хансираб қизиб ҳам оладилар. Аммо теваққуллашлар нигоҳи билан қарасангиз бу ҳолнинг нақадар нохушлигини сезасиз. Бу ҳолат кишининг гашига тегибгина қолмай, хусни-ғизга доғ ҳам туширади.

Бундай ҳолат тушмаслик учун тонда эрта туриб, ишларингизни бажаришга одатлангиз. Сизнинг хотиржам на чиройли юришингиз, узингизга қувонч бағишланиш билан атрофдагиларга ҳам ҳурматингизни билдиради.

Озодаҳон МИРЗАЕВА

## Психолог ҳузурда

# БАХТ ФАҚАТ БОЙЛИКДАМИ?

Оилавий қуйди-чиқдиларнинг асосий сабаби нимада? Биздан бунинг асосий сабабларидан бири қилиб етишмовчиликни, характери турри келмаётганликларини кўрсатамиз. Хуш, аслида шундайми? Бизнинг қуйидаги суҳбатимиз ТошДД психология кафедраси доценти Муминхон ака Маматов билан бўлди.

— Домла, мана сиз қуйди-чиқдилардан бери ешларга психология фанидан дарс бериб келасиз. Мана шу иш жараенида ешларни оилавий ҳаётга тайёрлашда нималарга эътибор бериш керак. Оила-ларда жанжалларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада?

— Статистик маълумотларга қараганда ХХ аср оилавий мождарлар, қуйди-чиқдилар асри ҳисобланади. Текширишлар ва кузатишлар шунини кўрсатадики, оилавий бузилишларнинг аксарият қисми оилавий ҳаётнинг дастлабки 5 йиллигига тўғри келар экан. Яъни бу дегани мана шу 5 йил ичида эр-хотин бир-бири-ни тушуниб кетса, характери бир-бирига тўғри келса, ун-дан уюгига янаб кетишди. Оилавий ҳаётга ешларни тайёрлаб боришимиз керак. Оила бу фақат севи, муҳаббат,

беташвиш ҳаёт, ясаган йилари, шохона кийим-ке-чак, зеб-зийнатлардан иборат эмас. Унинг узига хос заҳматлари, қийинчиликлари ҳам буладики, буни ешларимиз оила қурмасданок англаб, тушуниб олмақлари зарур. Туйга қадар ҳар икки томон ҳам бир-бирлари тўғрисида юқори фикрда бўлади. Чунки учрашувга келган йитит қизга еқин учун хуш-мад қилиб, ширин сузлар айтади. Қизнинг кунлиги кириб бориш учун унинг кунлиги қолдирмасликка ҳаракат қилади. Қиз ҳам яхши таассурот қолдириш учун узини сипо туғади. Ешлар турмуш қуришларидан олдин мана шу томонларга ҳам эътибор бериш керак.

Оила қуришда, вақт утиши билан аввалги эҳтирослар бирмунча пасаяди. Соатлаб севишнингнинг қуларига тикилиб утиришлар урнини оила учун зарур бўлган нарсаларни топиш ташвишлари эгалланади. Бунга ешларимиз тайёри еки уларни тасаввур қила олади-ми? Биз биринчи уринда масаланинг шу томони билан қизиқишимиз керак.

Ҳаётинг кузатишлардан маълумки, меҳнатқар оила-ларда воёга етган, туйлари ҳам ортиқча даб-даббалар-сиз утган ешларнинг ҳаётлари анча мустаҳкам ва бахтли бўлади. Бойлик, тўқинлик ҳар доим ҳам эр-хотинни бахтли қилаолмайди, булар иқтисодий янаб воситаси ҳолос. Ҳақиқий бахт учун аввало меҳр керак.

Кўпича оилавий мождарларга етишмовчиликни сабаб қиламиз. Меҳр-муҳаббатга оила-ларда етишмовчилик асо-сий муаммо ҳисобланмайди. Улар одатда сабр-қаноатли-лиги туғайли оила мустаҳкам-лигини сақлаб қоладилар. Ҳақи-қий севи асосида қурилган оила-ларда деярли вафосизлик бўлмайди. Севишсиз никоҳ бўл-ган жойда, никоҳсиз севи ҳам бўлади. Ешларимиз шунини унутмасликлар керакки, ни-коҳ уз масъулиятларини икки ҳисса оиниришир.

Биз узебқларда келиннинг маълум вақт қайнона қулида яшашида қатта ҳикмат бор. Келин қайнонадан рўзгор юри-тиш, болани парваринг қи-лиш ва тарбияланни ургана-ди. Бундан ташқари ешлар ҳиссиётга тез берилувчан бў-лади. Тез хурсанд бўлиши, тез аччиқлиниши, бир-бири билан аразашиши мумкин. Қай-нона ва қайнота олдига эса

улар андишага бориб, аччиқ-тизик ташларни бир-бирла-рига айтишдан тийилдилар. Бу билан улар секин-аста уз ҳиссиётларини босиб олиш-га, вазминликка ургангиз, бир-бирларининг одатлари-га ҳам қуниб борадилар.

Донишмандларимизнинг бир гапи бор... "Тенг тенги билан..." деган. Мана шу томонларига эътибор бериш керак. Йитит диний руҳда тарбияланган, қиз умуман бошқача руҳда тарбиялан-ган бўлса еки қиз китобий, романтик бўлса, йитит фа-қат ҳисоб-китоб билан шу-ғулланидиган бўлса унда бу оила узоққа бормайди.

— Оила қуришдек муқад-дас осонда турган ешлар-га қандай маслаҳатлар бе-рарингиз?

— Аввало улар бир-бири-нинг ички дунесига, харак-терига қизиқсинлар. Моддий қийинчилик ва бош-қа муаммолар қизиқини ва дунёқараш муштарак бўлса, уз-узидан барҳам топиб ке-тади. Энг асосийси турмуш уртоғингизни қайта тарби-ялашга уринманг!

Суҳбатдош Барно СУЛТОНОВА

### Муносабат

## ЗАМОНАВИЙ ТҮЙ АФЗАЛМИ Ё...

Узебқда «топганинг туйга буорсин» деган гап бор. Ҳа, узебқнинг топгани аввало туйга сарфланади.

Маълумки, шу кунларда шахримизда никоҳ туйлари 2 хил усулда-замонавий ва исломий ўтказилмоқда.

Яқинда маҳалламиздаги бообу бир киши елгиз ўғлини уйлантирди. Барча харажати ҳисоблаб қурайдиган бўлсак, никоҳ туйи учун 200 мингга яқин пул сарфланибди. Албатта бундай замонавий туйни ўтказиш оддий маошга кун кураётганлар учун ниҳоятда мушкул. Лекин кўпчилик ээгу, орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун қариндон-уруғларидан қарз олиб бўлса-да, даблбабни туй ўтказишди.

Бу ҳам маъли, айниқса, кучежурларга қушилиб келган 10-12 яшар болаларнинг қуанинг тўйхонасидаги қилиқлари билан маҳалламиз номгата иснол келтиришди. Еш болалар қула уйдига еганидан ортан олма, анор ва бошқа мева-чеваларни чунтақларига солиб олишани етмаганидек, автобусда нарсга талашди, машина ойнасини синдириб қув томонни 2 мингга туширишди.

Туй кунни маст бўлиб олган ешларнинг жанжалларини-ку айтмасам ҳам бўлади.

Яна юқоридаги туйдан фарқлироқ даблбасиз диний туй бўлди. Қув томон эрталаб наҳорга 50 к гуруҳ дамбаб барча қариндон-уруғларга ва маҳалла фуқароларига ош тортиди. Кундуз соат 3-5 ляр атрофида қув журайлар 25 киши бўлиб келинликка боришди ва у ерда никоҳ ўқилиб қиз томондан 20 та яқин аёллар келини олиб келишди.

Бу туй ихчам, жанжал-суронсиз жуда чиройли ўтди. Ҳозир маҳалламизда туй қилмоқчи бўлганлар мана шундай туйни афзал қуришмоқда. Бунинг учун маҳалла фаоллари ешларга ортиқча ҳою-ҳавасларга берилмасликларини учун исломий туйнинг яхши томонларини тушунтириб, ана шундай туй қилишга даъват қилмоқдалар.

Сиз нима дейсиз, азизлар!

ҲАМИДУЛЛА ЙҮЛДОНШЕВ, Ибн Сино маҳалласи фахрийлар жамоаси.

### Ўзингизни ўзингиз даволанг

**ЭКЗЕМА**  
Бу касалликни даволашда уч усул маъқул. Биринчи усулда пахталик румолини қатқилда боғириб, оғриган жой ураб қуйилади. Унинг усидан қуруқ сович еки румол уривади.

Бу румол тунда ҳам олинамизлиги зарур. Хушдан румол охир-оқибатда қурийд. Маълумки, экзема-тери касаллигини сув билан ювиш мумкин эмас. Бундай муволажани ҳар кун касаллик қолгунча давом эттириш зарур. Касалликнинг мазкур даволаш усули 1 ой давом этади.

Гнек утини дамлани ва 15-20 минут давомда терининг касалланган жойини тутиб туриш, касалликни даволашнинг учинчи усули ҳисобланади. Бунда касалланган жойини иссиқда қуриқ тутиб туриш мақсадга мувофиқдир. Касалликни даволашда учинчи усул ҳам бор. Бунда экзема касали бор киши урмон гулларидан дамбаб, сувда қумилиши лозим. Бу усул бир неча бор такрорланса, касаллик чекиниши тайин.

**САРИҚ**  
Бир дона лимон шарбати олинади. Бир чой қошиқча олинан шарбатга шунча миқдорда чой соласи аралаштирилади. Мазкур қоринча оқ қоринча оқватдан 30 минут ошдиб ичилади. Уч кун давомда ана шу ичимликдан ичиб туришликни тавсия этамиз.

**БУГИМЛАР ОҒРИГАНДА**  
Бунда сиз бир пачка хавини эритилган 100 г атросовулга аралаштирасиз. Шунда ажойиб маъдам тайёрланган бўласиз. Бу маъдам оғриган бутимларга сурқайсиз. Маъдам оғриқни қолдиради.

**НАФАС ҚИСИШИ**  
Нафас қисинг-астмани даволаш учун шампан шисасига сирен гули ва барги тулдирилади. Кейин унга 0.5 литр спирт қушилади. Шинда 20 кун муддат турели. Вақти-вақти билан аралашма чайқатиб турилади. Айтган муддат утандан сунг кунга бир чой қошиғи еки қийиб бўлмаса бир ош қошиғи миқдорда 3 маҳал ичилади.



Агар нафас олиш йуллари шамоллаган бўлса, унинг ҳам давоси бор. Бунинг учун саримсоқ пиез бўлқачсини эзиб, қайлаган сутта солиб аралаштирилади. Бироз дамбаб, бошларга бир чой қошиғи, қатталарга эса 1 ош қошиғи миқдорда кунга уч маҳалдан берилади.

**М.БОРИХ**

## КИР ДОРГА ЕЙИЛГАНДА...

Кўпича кир ейиладиган арқонлар вақт утиши билан таранглиги бушаниб, салқин бўлиб қолади. Агарда 1-расмда кўрсатилган мосламадан фойдалансангиз, бу камчиликни осонлик билан йўқ қилиш мумкин. Бунинг учун егочни курсатилган йўналиш буйиға қаттиқ тортиб қуйсангиз кифоя. Егочнинг узунлиги жойга қура кичик еки қатта-роқ ташланади. Уни расмда кўрсатилгандек урнатиб, синаб қуригиз.

2-расмда эса иплдан бўшланган галтаклардан йитилган мослама курсатил-ган. Бу ҳам ювилган кийим-кечаклар осиладиган арқон-ни таранг тортишда қўллан-илади. Ундан қандай фойдаланиш настиқи расмлар-да кўрсатилган.



Ҳошимберди ЭГАМОВ Расмлар муаллифинки

Содоқат Fayzieva tayorladi

